

ЎЗБЕКИСТОН

QISHLOQ XO'JALIGI

ISSN 2181-502X

№8. 2015

**БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН,
ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!**



*Дур юртимда тўкин-сочинлик —
Боғу полуз болга тўлибди.*

*Кекса-ю ёш табассулида
Шукрона хие балқиб турибди.*



ПАРРАНДА ЧИҚИНДИЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ

Парранда чиқиндиларини қайта ишлаш орқали муқобил энергия олиш усулларини таҳлил қилдик. Ҳозир товуқларнинг асосий маҳсулоти тухум ва гўшт ҳисобланса-да, органик чиқиндиларининг таннархини ҳисоблаш методикаси шу вақтгача яратилмаган.

Аэроб усулда ишлов бериладиган парранда чиқиндилари узоқ муддатни ва катта ҳажмдаги жойни талаб этади. Замонавий паррандахоналарда товуқларнинг боқилишига қараб ўрта ҳисобда бир йилда 275 дона тухум олинади ва шундай товуқ бир йилда ўрта ҳисобда 62 — 63 кг гўштни беради. Товуқларнинг ҳар бир килограмм боқилган гўшти учун 3 кг товуқ гўнги тўғри келади. Бундай миқдордаги потенциал чиқиндилар анаэроб ишлов берилса, йилига ҳар бир товуқдан атмосферага чиқариладиган 50,4 кг иссиқхона газини тутиб қолиниб, ундаги нохуш ҳид йўқотилади ва ундан биологик газ олиш имкони туғилади. Қисқа вақт ичида (15—20 кунда) анаэроб қайта ишланган органик чиқинди эса юқори сифатли органик ўғит сифатида тўғридан-тўғри экин далаларига, иссиқхоналарга ва хонадонда ўстириладиган экинларга бериш имконияти туғилади.

Тадқиқотларимизда парранда гўнгининг анаэроб жараёнда қайта ишлаб юқори сифатли органик ўғит ва биогаз олиш мақсадида таркибини ўрганганимизда 65—70 % (баъзи ҳолларда 55 %) намлик, азот бирикмалари, мис, фосфор, калий, кальций, марганец, углеродли бирикмалар, оғир металл тузлари, пестицид қолдиқлари ва антибиотиклар борлиги аниқланди. Сўнгги вақтларда товуқхоналарни дезинфекциялаш ва боқиш даврида уларни санитар-эпидемиологик нуқтаи назардан дори-дармонлар бериш зарарли гелментлардан асраб қолиш билан бирга, парранда гўнги таркибидаги метан газини ҳосил

қилиш бактерияларини ҳам қириб юбормоқда. Натижада анаэроб жараёнга қўйиладиган органик чиқиндилар мўътадил ишлаб турган биореакторларни тўхтатиб қўйишга сабаб бўлмоқда. Баъзи бир ҳолларда (кўпчилик ҳолларда) биореакторларни ишга тушириш жараёнида улар узоқ муддатда еассиқ газлар чиқариб анаэроб жараёнга ўта олмай тўхтаб қолмоқди.

Юқоридики келтирилганидек, парранда гўнгининг органик таркибидаги 1,5 % гача органик азот, 0,7 % гача калий ва 0,8 % гача фосфор ва бошқа турдаги элементларнинг мавжудлиги унинг нақадар қимматбаҳо органик ўғит эканлигини исботлайди. Парранда гўнгини очиқ ҳавода сақлаш жойларида жуда катта миқдордаги фойдали элементлари атмосферага чиқиб кетиб «эскиради» ва анаэроб жараён учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлмай қолади. Бу даврда унинг таркибидаги учувчи ёғли кислоталар миқдори кўпаяди ва бир-бирига мутаносиб бўлмаган микроорганизмларнинг ривожланиши натижасида гўнгхонада кўплаб патоген микрофлора пайдо бўлиб, ёқимсиз ҳид атрофни қамраб олади. Шунинг учун замонавий товуқхоналарни ишга туширишдан олдин улардан чиқадиган чиқиндиларни қайта ишлаш учун куйидаги талаблар қўйилиши зарур:

а) товуқхоналардан узоқ бўлмаган жойда гўнг сақлаш жойини ташкил этиш ва уни замонавий талаблар: атмосферага чиқариладиган аммиак миқдорини талаб даражасидан ўтишига йўл қўймаслик; гўнг

таркибидаги суюқликни ер ости сувларига сизмаслигини таъминлаш; атмосферага чиқариладиган нохуш ҳидни чегаралаш;

б) гўнг таркибидаги патоген микрофлора ва бегона ўт тухумини зарарсизлантириш, оғир металл тузлар, пестицидлар ва бошқа турдаги захарли моддаларни далаларга тарқатмасликни таъминлаш;

г) товуқхонадан чиқаётган гўнг миқдорини ишлов берилгандан сўнг далаларга чиқариш даврида далаларнинг йиллик чиқариладиган гўнг миқдорига мос келишини таъминлаш;

д) қисқа вақт ичида (транспортёр орқали) товуқхонадан чиқаётган органик чиқиндини анаэроб қайта ишлаш қурилмасига солиш ва ундан юқори сифатли органик ўғит ва муқобил энергия олиш, ҳосил бўлган биошламни тўғридан-тўғри ўсимликларга, иссиқхона ёки хонадондаги экинларга беришни ташкил этиш.

Маълумки, аэроб ҳолатда ишлов бериладиган товуқ гўнгининг таркибидаги азотнинг 40 % ва бир қисм фосфорининг камайиши уларни боқиш вақтидаги емиш таркибидаги энергиянинг сунъий йўқотилишига олиб келади. Сўнгги вақтда ўтказилган тажрибаларимизда товуқ гўнгини анаэроб ишлов бериш жараёнида ҳосил бўладиган биошлам таркибида органик азотнинг 65—70 % гача ортиши кузатилди.

Демак, паррандахонадан чиқаётган органик чиқиндилардан тўғри фойдаланилганда товуқлардан олинган фойда бир неча баробар гача ортиши мумкин. Шундай экан, чиқиндиларга ишлов бериб, фойдаланиш чораларини кучайтиришимиз зарур.

Ш.ИМОМОВ,
доцент,

К.УСМОНОВ,
изланувчи (ТИМИ)

ЎЗБЕКISTON QISHLOQ XO'JALIGI

(«Сельское хозяйство
Узбекистана»)
Аграр-иқтисодий,
илмий-оммабоп журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тоҳир
ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Шухрат ТЕШАЕВ
Акрам АРИПОВ
Яшин ХИДИРОВ
Шавкат ҲАМРАЕВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Собиржон ЭРГАШЕВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Содиқжон ТУРДИЕВ
Саидкул АРАБОВ
Фарҳод ОМОНОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Муса АНОРБОЕВ
Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ
Шермат НУРМАТОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Норкул ХУШМАТОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Ражаббой ДЎСТМУРОДОВ
Муҳаммаджон ИБРАГИМОВ

2015 йил,
№8. Август

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун — 894
ташкilotлар учун — 895

МУНДАРИЖА

Т.ДОЛИЕВ. Натижалар таҳлили ва устувор вазифалар	1
Август — ҳосилга ҳосил қўшиш ойи	2
Ф.ТЕШАЕВ, Р.НАЗАРОВ. Ғуза баргини сунъий тўктириш	3
М.ТОШБОЛТАЕВ. Пуркагич агрегатларидан самарали фойдаланиш	4
Балиқчилик: муаммо ва ечимлар	5
Р.СИДДИҚОВ, И.ЭГАМОВ. Келгуси йил ғалла ҳосили бугунги ҳаракатга боғлиқ	6
Р.АБДУЛЛАЕВ, А.АРИПОВ. Боғбону соҳибкорлар учун қизгин палла	7
Р. ХАКИМОВ, Е. ЛЯН, Ф. РАСУЛОВ. Такрорий сабзавотлар парвариши	8
М.ТОИРОВ. Ўзбекистон ютукларининг халқаро эътирофи	10
Такрорий пилла етиштириш	11
К.ДУШАМОВ, Х.СОБИРОВ. Биологик химоя — қўшимча даромад	11
Н.ХУШМАТОВ. Инновацион ишланмалар — тараққиёт омили	12
Ш.РАВШАНОВ. Аграр соҳага серунум техникалар	14
Маърифат Кошонаси	15
А.ШАМСИЕВ. Бурч ва масъулият туйғуси	16
Ю.ЎРОЛОВА. Юрт равнақиға ҳисса қўшиш — олий мақсадим	16
Ғ.НАЗИРОВ. Режаларимиз улкан	17
Ш.ЖАЛИЛОВ. Ғамхўрликлар бизга ғайрат бағишлайди	17
Ш.ЖАББАРОВА. Деҳқондан чиққан ирригатор.	18
К.ХУДОЙБЕРДИЕВ. Имконият тобора кенгаймоқда	19
А.СУЮНОВ. Истиқлол саодати	20
Ш.СОДИҚОВА. Ишлаганга имкон кўп	21
К.ЭРГАШЕВ. Сузи билан иши бир	22
Техника — фермер қаноти	22
Асал — ноёб неъмат	23
Х.КАРИМОВ. Кенжа тумандаги катта ўзгаришлар	24
Х.ЭРГАШЕВА. Тупроқ унумдорлигини ошириш — устувор масала	25
Ш.МАҲАММАДИЕВ, Э.АБДУАЗИМОВ. Сувдан самарали фойдаланаяпмизми?	26
А.АХАТОВ. Лойли минераллар тупроқ унумдорлигини оширади, беморга малҳам бўлади	27
У.АБДУРАҲМОНОВ, Х.РАҲМАТУЛЛАЕВ. Кўсақлар очилиш	
тезлигига дефолиантларнинг таъсири	28
И.ДЖАББОРОВ, Т.МАДЖИДОВА. Оценка пластичности линий твердой пшеницы	29
Т.ХОДЖАКУЛОВ, У.ҚАРШИЕВА, Х.КЕЛДИЁРОВА, Х.ҚУРБОНОВ. Юмшоқ	
бўғдойнинг қимматли хусусиятлари	30
Ш.РИЗАЕВ, К.МУМИНОВ. Бегона ўт — ҳосил кушандаси	31
М.ХАЛИЛОВА. Пилла капалакларини жинсларга ажратишнинг самарали усули	32
Б.МАДАРТОВ. Характер наследования и изменчивости показателя микронейра у	
гибридов F ₁ и F ₂ получаемых на основе диких и рудеральных разновидностей	
G.Hirsutum в условиях жесткого водного дефицита	33
Ш.ИМОМОВ, К.УСМОНОВ. Парранда чикиндиларига ишлов бериш	35
А.ИНЮКИН, Т.ИНЮКИНА, И.ГУГУШВИЛИ. Питательная ценность продуктов убоя	
крупного рогатого скота и свиней при эхинококкозе	36
А.АХМЕДОВ. Сув тежаш технологиялари	37
У.САНГИРОВА. Жамоа бўлиб сувдан фойдаланиш	38
А.УСМАНОВ. Иқтисодийта меҳнат ресурсларининг ўрни	39
А.НУРИДДИНОВ, Д.ИСРАИЛОВА. Макроиқтисодий барқарорлик йўлида	40
Б. АЗИМОВ. Гербицид дифенамид для борьбы с сорняками на посевах томата	41
И.ҲАМДАМОВ, Қ. РАВШАНОВ, М.БЕҒМАТОВА. Лимонут хусусиятлари	42
Н.АСТАНАҚУЛОВ, А.МИРЗАЕВ, Ч.УРУНОВ. Мева шарбати — соғлигингиз гарови	43
Х.МИРЗАЕВ. Ер билан тиллашган олим	44
Асаларидек меҳнаткаш	45
Аграр соҳа кўзгуси бўлаётган нашрлар	46
Сунбула — хайр-барака ойи	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 2007 йил
11 январда 0158-рақам билан
рўйхатга олинган.

Манзилмиз: 100004, Тошкент
Шайхонтоҳур тумани,
А. Навоий кўчаси, 4-уй.
Тел/факс: 241—50—21.
241—30—92, 241—61—07.
www.qxjournal.asia
E-mail: qxjournal@qsv.uz,
uzqx_journal@mail.ru

© «Ўзбекистон қишлоқ хо'jaligi»

Босмаҳонага топширилди: 2015 йил
28 июль. Босишга рухсат этилди:
2015 йил 29 июль. Қоғоз бичими
60x84 1/8. Офсет усулида офсет
қоғозига чоп этилди. Шартли босма
табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табағи 5,0.
Буюртма № 158. Нухсаси 4500 дона.

«PRINT LINE GROUP» ХК
босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: Х.МИРЗАЕВ
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА